

- Хабар берилганидек, Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Лондондаги Халқаро стратегик тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.
- Хабар берилганидек, Тошкентда Марказий Осиёнинг минтақавий илмий-техник муаммолари бўйича халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир НАТО Илмий Кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгашининг Фан ва технологиялар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- 20 июндан эйтиборан мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида абутирентлар ҳужжатларини қабул қилиш бошлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон Республикаси пилларкорлари давлатга 709,1 тонна сара хомашё сотиб, қўшимча мажбуриятларини ҳам бажардилар. Бу шартнома режасига нисбатан 153 тонна кўпдир.
- Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Тиббиёт ходимларини дипломдан кейинги тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.
- «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Қизилқум санаториялари ва қорвадорларига ҳам хизмат кўрсата бошлади. Навоий, Зафаробод, Зарафшон шаҳарларидан сўнг Учқудуқ шаҳрида ҳам корхонанинг уяли телефон алоқа хизмати ишга тушди.
- Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» мейхонахонасида Япония Халқаро ҳамкорлик маркази (JICE) томонидан Япония бегараз ёрдам дастури асосида Ўзбекистондан танлаб 2002-2003 йилда Японияда тайёрланадиган кадрларни кузатишга бағишланган қабул маросими ўтказилди.
- Пойтахтдаги «Шератон» мейхонахонасида Марказий Осиёда экология ва саноатлик муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Тошкент вилоятининг Бўка туманида вилоят Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги саёй-харақати билан бир йўла учта милиция таянч пункти қуриб, фойдаланишга топширилди.
- Андижон вилоятида давом этаятган гиёвандликка қарши икки ойликда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда.
- Эртаги Миллий матбуот марказида шакл ва мазмун жиҳатидан янгиланган «Гулистон» журналининг тақдимот маросими бўлади.
- Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво булутлиги турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсиб турди. Кундузи ҳаво ҳарорати 30-32 даража иссиқ бўлди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Келажагимиз пойдевори ҳисобланмиш ёшларга давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. «ГАБУС қурилиш-туртинчи» шўъба корхонаси ишчиларининг ҳам ақсарият қисмини ёшлар ташкил этади. Бугун улар шахримизда бунёд этилаётган турар жой ва маъмурий биноларнинг қад кўтаришида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

СУРАТДА: ана шу каби тажрибали ёшлардан Собит Абдурахмонов ҳамда Олег Гужовларни кўриб турибсиз.

TRANСПОРТ

Ҳамкорлик ўрнатилмоқда

Ерости темир йўллари замонавий техника ва илгор технологиялар асосида бунёд этиш жиддий изланишларни олиб боришни тақозо этмоқда. Йўллар ва тоннелларни қуришда ҳам бу каби илмий-амалий жараёнлар амалга оширилмоқда.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа муҳим масалалар Тошкентда ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари метрополитени иштирокида уюштирилган халқаро анжуманида атрафлича кўриб чиқилди. Унда Санкт-Петербург, Москва, Боку каби йирик шаҳарлар метрополитени қўллаётган илгор иш усуллари ҳақи оид қатор маърузалар ҳам тинланди.

Анжуманда хориздаги йирик корхоналар билан алоқаларни кенг йўлга қўйиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу эса турли техникаларни, технологияларни Тошкентга олиб келиш имконини беради.

Германиядаги «Электротермит» фирмаси, Россия Федерациясининг «Метро» уюшмаси билан ҳамкорлик ҳам самарали бўлади. Бундан ташқари Тошкент метрополитени Москвадаги «Курок» қорихималар тажриба заводи, «Ульянов номидаги оғир ва универсал дастгоҳлар» ҳиссадорлик жамияти, «Амалий механика» илмий-тектириш институти билан ҳам яқин амалий алоқалар боланади.

Ақбар АЛИЕВ

ҚИСҚА САТРАПДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги микёсида ўқувчилар ўртасида ўтказилган халқаро кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланди. Жумладан, Арманистоннинг пойтахти Ереванда бўлган «Рус тили менинг ҳаётимда» кўрик-танловида ҳамда Қозғистонда уюштирилган кимё фани бўйича халқаро олимпиадада қатнашиб совринли ўринларни эгаллаган ҳамкорларимизга муқофотлар топширилди.

Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига хориздан қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни янада ривожлантириш мақсадида янги технологиялар келтирилди. Ушбу технологиялар орасида замонавий русумдаги компьютер ҳамда телефон аппаратлари қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тезкор ва масўлият билан ишлашга катта ёрдам беради.

Тиббиёт соҳасида давом эттирилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар «Тез тиббий ёрдам» марказига «Дамас» русумли 12 та автомобиль топширилди.

Шахримиздаги «Ширин» қаҳвахонасида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббускорлигида тез тиббий ёрдам тизимида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қарилк гаштини сураётган фахрий шифокорлар иштирокида бир пиеёла чой устида бўлиб ўтган тадбир Қарияларни кадрлаш йиллига бағишланди. Унда фахрий шифокорларга ош тортилди, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ақмал Икромов туманидаги «Қорёғди» маҳалласида фаоллар фахрийлар иштирокида Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан тадбир ўтказилди, совғалар улашилди.

Тошкент Давлат иқтисодий университетиде иқтисодчи олимлар иштирокида бўлиб ўтган семинар «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш йўналишлари» деб номланди.

Тошкент Давлат юридик институтининг ҳуқуқшунослар клубида «Жорий этилаётган икки палатали парламентнинг ўзига хос томонлари» мавзусидаги талабалар иштирокида ўтказилган конференцияда Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси вакиллари ҳам иштирок этишди.

Семинар-кенгаш

Яққасарой туман ҳокимлигида шаҳар ва туман ҳокимлиги, Давлат мулки қўмитаси, Республика ҳамда шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар қўмиталари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар, турли ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбир давомида кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар ва муаммолар муҳокама қилинди. Унинг иштирокчилари республикада амалга оширилаётган бозор ислохотлари жараёнида ишни бошлаш ва турли лойиҳаларни татибқ этиш борасида юридик ва ҳисмоний шахслар қандай муаммоларга дуч келаётгани тўғрисида фикр юритишди.

Республика Давлат мулк қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгаши раиси М. Аскарлов 1995 йилдан бошлаб республикада ривожланиб бораётган мулкдорлар синфини тўла қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди. Назорат қилувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришчи Республика идорасининг ташкил этилганлиги муносабати билан беҳуда ўтказилган тақдирлар сони камайди ва барча режалаштирилган тектиривлар мавжуд қонунларга асосан ўтказилмоқда.

Кейинги пайтларда кичик ва ўрта бизнеснинг тараққиёт этиши, иқтисодиётнинг мустаҳкамлашиши, шунингдек, мамлакатимизда бозор инфратузилмаларининг ривожланиши учун барқарор шарт-шароитлар яратилиши билан боғлиқ қатор Президент Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқди. Хузири пайтда кичик ва ўрта бизнеснинг узоғи деҳдон ва фермер ҳўжаликлари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 31 фоизи ташкил этади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н. Ханов семинар-кенгаш қатнашчиларини Яққасарой туманида кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг боришини ўрганиш натижалари билан таништирди. Жумладан, у 2001 йили бу ерда эркин ва эгасиз бўлган ер участкалари бўйича мониторинг ўтказилганлигини таъкидлаб ўтди. Худудлардан фойдали равишда фойдаланилиши мақсадида уни қўшимча иш ўринлари ташкил этилган, жаҳон андозаларига мос махсулотлар ишлаб чиқараётган янги корхоналарни очиб ўнун бера бошладилар.

Кейинги бир неча йил ичида экспорт ва хоризқинининг ўрнини босувчи махсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантиришда муйайн натижаларга эришилди.

Семинар-кенгаш давомида айрим корхоналар ишламаслигининг асосий сабаблари, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларни харид қилиш муаммолари, айланма маблағлар тақчилиги ва янги лойиҳалар учун аниқ бизнес-режаларнинг йўқлиги ва бошқа масалалар, жумладан, бозор ва бозор муносабатлари борасида билимларнинг етишмаслиги муҳокама қилинди.

Анжуман қатнашчилари ўзаро фикр алмашдилар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари манфаатларига тааллуқли бир қатор тақлифларни киритишди. Шунингдек, туманда иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича ишларни такомиллаштириш учун тавсиялар берилди.

(Ўз муҳбиримиз).

ҒОЛИБЛАР ШОҲСУПА ТЎРИДА

Шахримиздаги йирик халқаро турнирларнинг ҳал қилувчи беллашувлари доимо қизиқарли кечади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўтган икки кун давомида Тошкент теннис маркази ишқибозлар билан гажум бўлиб, улар жуда қизиқарли баҳсларни мириқиб томоша қилишди.

ЎТГАН КУНИ

марказий кортта финал баҳсида беллашиш учун жуфтликлар тушишди. Унда жуфтликлар бўйича турнирнинг иккинчи раундлари бўлиши Татьяна Перейбинис (Украина) — Татьяна Путчек (Беларусь) Миа Бьюрик (Германия) ва Галина Фокина (Россия) жуфтлиги билан учрашди. Шуну айтиш керакки, Путчек ва Фокина беллашувда «биринчи скрипка» вазифасини ўташди, яъни ўз жуфтликларининг етакчилари сифатида аниқ ва маҳоратга бой ўйин кўрсатишди.

Биринчи сетда 4/3, 5/4 ҳисобларида Фокина — Бьюриклар олдинда боришди. Бирок ҳисоб тенглашгач, улар ўзлари тўп оширган геймини бой беришди. Натижада биринчи сет рақиблари фойдасига 7/5 ҳисобида яқунланди.

Иккинчи сет эса МДХлик теннисчилар учун унчалик қийин кечмади. Путчекнинг қучил тўп оширишлари Перейбиниснинг аниқ зарбалари рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Бьюрикнинг шеригига нисбатан анча бўш ўйнагани ҳам мағлубиятнинг бир омили бўлди. Шундай қилиб, иккинчи сетни 6/2 ҳисобида яқунлаган Путчек — Перейбинис жуфтлиги «Тошкент оупен-2002» халқаро мусобақаларининг бош совринини қўлга киритди.

Уларга махсус Кубоклар топширилди.

КЕЧА

байрамога тус олган кортта яқна тартибдаги спортчилар ўртасида финал баҳси бўлиб ўтди. Унда ҳақли равишда мусобақанин биринчи рақетаси, 53 рейтинг рақамига эга Мария Гаяне Микаэляна (Швейцария) ҳамда иккинчи кучли теннисчи (рейтинг рақами 67) жуфтликлар ўртасида ғолиб чиққан Татьяна Путчеклар тушишди.

Қизиқарли ва шиддатли беллашувнинг биринчи сетиде доимо Микаэлянининг устунлиги сезилиб турди. У 3/1, 4/2 ҳисобларида олдинда борди. Бирок, Путчек ҳисобини тенглаштириб 4/4 қилганида ва тўққизинчи геймда у 40/0 ҳисобида олдинда бораётганида Татьяна учра-



шувда кескин бурилиш ясаши мумкин эди. Лекин у асабийлашди. Натижада геймини бой берди. Шу тарика биринчи сетда 6/4 ҳисобида Микаэлянининг қўли бандан келди.

Иккинчи сетда ҳам кечаги ўйинда бир оз толиққан ва асаби зўриққан Путчекнинг дастлаб омади келмади. Рақиб ҳатто 4/0 ҳисобида олдинда ҳам ўтиб олди. Мана шу лаҳзаларда Татьяна ўзини кўрсатиб ҳисобни тенглаштиришга ҳам оз қолди — 4/5. Бирок, хотиржамлигини бой бермаган Микаэляна учрашувга сўнги нуктани эйс билан қўйиб, ҳар иккала сетни 6/4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва турнирда илк бор галаба қозонди.

Сўнг ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Дастлаб турнир асосини Сассон Какшури барча йнғиланлар номидан ҳар икки финалчини табриқлади.

Шахримизнинг яна бир жомаоиси «Трактор» эса сафарда «Андижон» билан куч синашди. Бахтиёр Хамидуллаев ва Илхом Мўминжоновларнинг дарвозаларга йўллаган голларидан сўнг учрашув 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан яқунланди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Самарқанд-Динамо» 2:0, «Кизилқум» — «Бухоро» 5:0, «Нефчи» — «Сўғдиёна» 3:0, «Дўстлик» — «Қўқон-1912» 2:0, «Навбахор» — «Машъал» 2:1, «Сурхон» — «Зарафшон» 2:1.

Навбатдаги 14-тур баҳслари 22 июнь куну ўтказилади.

Ақбар Йўлдошев

ФУТБОЛ

Япония ва Жанубий Кореяда давом этаётган XVII жаҳон чемпионати иштирокчилари жума куну гуруҳ баҳсларини ниҳоясига етказишди.

Муросасиз беллашувлар

Аввал майдонга тушган «D» гуруҳи вакиллари Польша — АҚШ ўртасидаги баҳс гарчи 3:1 ҳисобида европаликлар фойдасига ҳал бўлган бўлсада нимчорак финалга бариб АҚШ футболчилари йўлланма олишди. «Н» гуруҳидаги учрашувлар Тунис — Япония 0:2, Бельгия — Россия 3:2 ҳисобида яқунлангач ушбу гуруҳдан японияликлар билан бирга бельгияликлар кейинги босқичда курашни давом эттирадиган бўлишди.

ЎТГАН КУНИ

эса нимчорак финал баҳсларига старт берилиб дастлаб яшил майдонга Германия — Парагвай терма жомаолари тушишди. Ва жанубий америкалик футболчилардан маҳорат бобида устунлик қилган Феллер шоғирдлари 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Рақиб дарвозасига голни немислардан Оливер Ноивел учрашув турашига икки дақиқа қолганиданга йўллади. Шу куну ўтказилган Англия — Дания ўртасидаги ўйинни кўпчилик муросасиз кечади деб ўйлаганди. Аммо Фердинанд, Оуэн, Хескилар томонидан дарвозага киритилган тўплар англияликларга 3:0 ҳисобидаги галабани инъом этди.

КЕЧА

ўтказилган чемпионат кашфиёти ҳисобланаётган Сенегал терма жомаоиси ва Швеция футболчилари ўртасидаги нимчорак финал учрашуви яна барчани хайратга солди. Чунки ўйиннинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилиб, ғолибини аниқлаш қўшимча вақтдаги таймга боғлиқ бўлиб қолганида сенегалликлар футболчили Ари Камаара рақиблари дарвозасига «олтин» голни йўлади. Ва жомаоиси галабасини таъминлади. Испания — Ирландия учрашуви эса асосий вақтда 1:1, пенальти бўйича 3:2 яқунланди.

ЎТГАН КУНИ


Қаршида пойтахтнинг бош жомаоиси «Пахтакор»ни мамлакат XI миллий чемпионатининг 13-турида қабул қилган «Насаф» футболчиларига омад қилиб боқди. Чунки Усмонхўжаев (2 та), Хасанов ва Хайдаровларнинг рақиблари дарвозасини аниқ нишонга ола билгани майдон эгаларининг 4:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Шахримизнинг яна бир жомаоиси «Трактор» эса сафарда «Андижон» билан куч синашди. Бахтиёр Хамидуллаев ва Илхом Мўминжоновларнинг дарвозаларга йўллаган голларидан сўнг учрашув 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан яқунланди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Самарқанд-Динамо» 2:0, «Кизилқум» — «Бухоро» 5:0, «Нефчи» — «Сўғдиёна» 3:0, «Дўстлик» — «Қўқон-1912» 2:0, «Навбахор» — «Машъал» 2:1, «Сурхон» — «Зарафшон» 2:1.

Навбатдаги 14-тур баҳслари 22 июнь куну ўтказилади.

Ақбар Йўлдошев



БЎНЁДКОР

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Касбини ардоқлаганини юрт эъзозлайди

Курилиш мардлар майдонида қиёслаймиз. Ана шу майдонда ёзининг саратони, қишининг қаҳратининг писанд қилмай тер тўкаётган бунёдкорларни эса жасоратли инсонлар десак асло муболага бўлмайди. Чиндан-да уларнинг сермажақат меҳнатлари, толмас куч-гайратлари эвазига қад ростлаётган энг гўзал ва энг мухташам бинолар салобати ана шундан дарак беради.

рлана бошлади. Айниқса, усту- зом, тажрибали бунёдкор Вагиз Газизовнинг менга ҳар бир нарсани эринмай ўргатиши, ишончи шу ерда қолишга ундади.

Хақиқатан ҳам шундай бўлди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтган ҳам Тоир Дадахонов тўғри жоноҳон жамоасига қайтди. Иш билан бир- галикда 1979 йилда Тошкент қурилиш техникумини тугатди. Шундан сўнг билими, тажрибаси ортган қурувчи ишбоси, ушарча бошлиғи вазиёларидан ҳам фаолият кўрсатди. Меҳнатлари эса қадриятли раҳбарият томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Аммо энг бахтли ҳаққларга эса мамлакатимиз мустақилликка эришган муассас бўлди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги билан мукофотланди, 1995 йилда эса мамлакатимиз Президентининг Фармонида мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Шуни алоҳида айтиш ўринлики, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ишларининг авжи барча ҳамкасблари қаторида унга ҳам алоҳида шижоат бахш этди. Кўплаб турар жой бинолари қурилишида, салобатли иншоотлар қад ростла- шда муносиб хисса кўшди. Олий Махлис биноси, «Юнусобод» тен- нис мажмуаси, Ўзбек Миллий ака- демик драма театри, «Чорсу» сав- доно маркази ана шунлар жумласи-

дандир. Албатта, қурувчилар меҳнатидан кўзлар баҳра ол- ганда, диллар қувонганда у ҳам фахрланди, бир гайратчи ва энг муқташам бўлди. Айниқса, хозирда юртимизда қад ростлаётган иморатларда э- тинлик ва шарқона меъ- морчилик услубларининг уй- гунашганлиги, сифатли, му- сажгад қурилиш материалла- ридан фойдаланилаётганли- ги уни ҳам қувонтиради, из- ланишга, янаям яхши меҳнат қилишга ундайди.

Тоир Дадахонов ўз шоғир- дари билан ҳам фахрлана- ди ва ёшларга касб сирлари- ни ўргатишдан асло чарча- майди. Бригадасидаги Абду- рашид Муваев, Махмуд Ми- раҳмедов, Махмуд Шоқоди- ров, Акмал Холмухамедов син- гари сергайрат тикловчилар- га ҳаммша мадад бўлади. Шу боисдан бўлса керак, уни жамоа ахли энг яқин масла- хатчилари, устозлари деб ҳисоблашади. Шуни айтса- лар керакда, касбини ардоқ- лаганини юрт эъзозлайди, бар- ча ҳурмат қилади деб.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: илгор қурувчи Тоир Дадахонов.

ХАБАРИГИЗ БОРМИ?

Ишлар қизғин паллада

Пойтахтимиз бозорлари кундан-кунга ўзгача чирой очмоқда. Айниқса, бозорлардаги сотувчига ҳам, харидорга ҳам яратилаётган шарт-шароитлар, қулайликлар ҳамшаҳарларимизни мамнун этмоқда.

Шарҳимиз бозорлари ичда ўзига хос ўринга эга бўлган «Фарход» бозори ҳам кейинги йил- ларда ўзгача қиёфага эга бўлмоқда. Бу ердан махсулотларни асосан Чилонзор ва Акмал Ик- ромов туманида яшовчилар харид қилишади. Шуниси қувонарлики, бозордан керакли бар- ча нарсаларни харид қилиш мумкин, дехқон- лар етиштирган ҳамма турдаги мева ва सबза- вот махсулотлари харидорларга тортиқ этил- моқда. Аммо кейинги пайтда бозорда сотувчи- лар сафи кенгайиб, махсулотлар учун расталар етишмай қолди, натижада дехқон ўз махсуло- тини ерга қўйиб сотишга мажбур бўлди. Бу эса ҳам нуқулал, ҳам санитария ҳолатларига зид. Шу сабабдан ҳам бозор маъмурияти уни ке- нгайтириш, янги расталар қуришга қарор қил- ди.

Айни кунларда эса қурувчиларнинг гайрати билан бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кир- ди. Негаки, ёз — пишиқчилик, тўқин-сочинлик фасли. Хадемай, махсулотлар янада кўпаяди. Бозор ёнида шаҳар жойимлиги ва «Тошбозор- тайёрловсавдо» бирлашмаси бюротмасига кура «159-трест» акциядорлик жамиятининг 21-қури- лиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан қурилиш юмушлари тез ва соз олиб борилмақ- да. Хозирда қазил ишлари ниҳоясига етказил- ди, расталари тиклаш бошлаб юборилди. Шунингдек, бу ерда автомашиналарни сақлаш жойи ҳамда махсулотларни қўйиш хонаси ҳам бунёд этилиши кўзда тутилган. 1 миллиард сўмдан ортмиқ маблағ сарфланганда ушбу қури- лиш ниҳоясига етган, албатта сотувчи ва хари- дор учун яна бир қулайлик яратилди. Хозирги пайтда эса қурувчиларнинг гайрат-шижоати уни сифатли ва ўз вақтида қуриб битказишга қаратил- ган.

Дилноза **ФИЁСОВА**
СУРАТДА: геодезистлар Элёр Йўлдошев ва Носир Бозоров иш устида.

Тоҳир **НИГАМАТУЛЛИ** олган сурат.



Суратда: геодезистлар Элёр Йўлдошев ва Носир Бозоров иш устида.



Қурувчилик касбини ардоқлаб, ўз хунарини пойттахтимизни яшанатиш йўлида ишга солаётганлардан, эъзозли бунёдкорлардан бири Тоир Дадахоновдир. У қарийб 30 йилдирки, қурувчилик-ка меҳр қўйган, унинг сир-асорат-ларини мухаммал эгаллаган. Шаҳ- римизда юзлаб қурилишларда фаол иштирок этган, куч-гайрати, маҳорати тўғриси хурмат-эйти- борга сазовор бўлган Тоир Дада- хонов «12-трест» хиссадорлик жа- миятига қарашли 50-қурилиш бо- шқармасида тикловчилар бригадаси раҳбари, 22 нафарлик жамоа- нинг сардори саналади.

— Йиллар ўтиши билан ушбу шарафли касбини танлаб аниқла- шганимга амин бўлдим, — дейди Тоир Дадахонов. — 1972 йилда 115-ўрта мактабни тугатиб, олий ўқув юртига kira олдим. Шундан сўнг ўртоғим Бахтиёр Махму- дов билан катталарнинг маслаҳат- лари асосида қурилишда ишлаб туришга қарор қилдик. Қурилиш- да иш бошлашга эса бу касбга қизи- қишим тобора ортди. Қурилаётган бинолар қад ростлагани, чиройи кўзга ташлангани сари унда ўзим- нинг ҳам хиссам борлигидан фах-



Қурилиш майдонларида

Замонавий ва шинам уйлар

Пойтахтимизда кейинги йилларда қад ростлаётган бинолар нафақат ўзининг ташки кўри- ниши, балки ички гўзаллиги, яшовчиларга яра- тилган қулайлиги билан ҳам ажралиб туради.

Бунинг асосий боиси малакали лойиҳачиларимизнинг изланишлари ҳамда қўли гул қурувчиларимизнинг бара- кали меҳнатлариридир. Пойтахтимизда кўп қаватли уйлар қурилишида фаол иштирок этиб, фойдаланишга топширил- ган мухташам бинолари билан яшовчилар олқишини ола- ётган «Ҳажми-блокли уйсозлик тажриба-қурилиш комби- нати» акциядорлик жамияти бунёдкорларининг ишлари ҳам тахсинга лойиқдир. Жамоада меҳнат қилаётган турли хунар эгалари қурилиш майдонларида бор маҳоратларини на- моён этмоқда.

Шу кунларда эса ушбу қорхонанинг қурувчилари Юну- собод туманидаги Шахристон қўчасида 3 та 9 қаватли уй қурилиши билан банд. Шахримизнинг барча туманларида ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилишида катнашган жамоа ахли сифатга алоҳида эътибор қараетгани боис ҳам хонадон эгалари уларнинг меҳнатидан мамнун. Сифат — янги уй- лар қурилишида ҳам уларнинг бош мезони ҳисобланади. Айни кунларда улар қураётган уйлари биринчиси фой- даланишга топширилган арафасида, иккинчисида эса ташки безав ва ички пардозлаш юмушлари қизғин олиб бори- лмоқда. Шуниси қувонарлики, учинчи уйда кетма-кет қазил ва пойдевор тиклаш давом этмоқда. Бу ишларнинг барча- сида қурувчиларнинг ўзаро ҳамжихатлиги муҳим хисса бўлмоқда. Ушбу замонавий ва шинам уйлар хонадонлари- да янги уй қурувчилари — ҳовли ўйлари бошланганида эса бунёдкорларнинг гайрати янада ортади, бу уларни янада барақалироқ меҳнат қилишга ундайди.

(Ўз муҳбиримиз).
СУРАТДА: (чапдан) ишбоси Олим Гулмутов, тиклов- чи Муҳтор Абдуганиев ва сувоқчилар бригадаси бо- шлиғи Шароф Бойматкинлар бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.
Сергей Любич олган суратлар.

Муаммолар муҳокама қилиниб, чоралар белгиланди

Маълумки, иссиқ кунлар келиши билан ичка касалликларининг нисбатан кўпайиши кузатилади. Эпидемиологик вазиятни барқарорлигига салбий таъ- сир кўрсатаётган бундай ҳолатнинг асо- сий сабабларидан бири — бу истеъмол учун арқоқиз бўлган озик-овқат махсу- лотларининг тановул қилинишидир.

Шаҳар эпидемияга қарши кураш фақуллода комиссиясининг наватбаддаги йиғилишида теги- шли ваколатли органлар томонидан бундай вазия- тнинг олдини олиш борасида амалга оширила- ётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди ҳамда айрим камчиликлар устида тўхталиб ўтилди. Йи- гилиши шаҳар ҳокими ўринбосари Р. Қурбонов олиб борди.

Хусусан, шаҳар Бош давлат санитария шифо- қори Саидмурод Сайдалиев эътибори бозорлар- нинг санитария ҳолатига қаратиб, мисоллар асо- сида уларнинг ақсариятида кундалик тозалаш ишлари талаб даражасида бажарилаётгани, со- тувчи ва харидорлар эътиҳи учун санитар тар- моқлари мавжуд эмаслиги, савдо пештахталари кўрмисизлигини, қолаверса, умуман олганда са- нитария меъёрига риоя этилмаётганини таъ- қидлаб ўтди.

ТАДБИРКОРЛИК

Махсулот турлари кўпаймоқда

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «Ромсер- вис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Пётр Романов икки йилдир- ки, туманда ўтказилаётган аниъанавий «Ташаббус» кўрик-танловига голиб- ликни кўлга киритиб, «Энг яхши та- дбиркор» номига сазовор бўлмоқда.

Ушбу фахрли номни оқлаш учун эса из- ланишдан, ўзи раҳбарлик қилаётган қорхо- нани ривожлантириш, янги-янги махсулот турларини яратилишдан асло чарчамаяпти. Шу боис ҳам ташкил тоналгани уч йилдан ошган қорхонда тайёрланаётган қурилиш матери- алларига бюуртамчилар сони тобора орт- иб боришмоқда. Кўчаларимизга, қорхона ҳамда ташкилотлар, муассасалар, мухташам имо- ратлар ҳовлиларида ўзгача чирой бахш эта- ётган мустақкам ва бежирим, шу билан бир- га турли рангдаги йўлак плитчалари ва бор- дюрлар ушбу қорхона тадбиркорлари томо- нидан ишлаб чиқаришмоқда.

Иш сайин махсулотларимизга талаб ортиб бораётганлиги тўғрисида ҳам ишлаб чиқариш хажми кўпайиб боришмоқда. — дейди Пётр Романов. — Утган йилда 50 милли- он сўмликка экин махсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ойларидан бери 40 миллион сўмликдан зиёд қурилиш матери- алларини тайёрлашга муваффақ бўлдик. Йил охиригача эса 120 миллион сўмлик махсу- лот ишлаб чиқарамиз. Энг асосийи, биз за- монавий технология асосида маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб сифатли ва бугунги бозор талаби даражасидаги махсулотлар тайёрлашга интиляпти. Олдимизга қўйган мақсад йўлида эса изланишдан асло чарча- майمиз.

Албатта, бозорни пухта ўрганиш тадбир- корлар учун янги уфқларни очмоқда, мах- сулот турларини янгилашга ундамоқда. Шу боисдан ҳам ақинда қорхонда янги махсу- лот турлари янада кўпаяди. Қурилиш учун гишлар, пойдевор блоклари, мактаблар учун бўрлар шулар жумласидандир. Шунин- гдек, таъсисчилари «Ромсервис» масъулияти чекланган жамияти, «Ўзқишлоқмаш» ак- циядорлик жамияти ҳамда Италиянинг «Planet System Srl» фирмаси бўлган кўшма қорхона очилгача ҳам ҳаракат қилинган. Ита- лиядан келтирилган юксак унумли хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу кўшма қорхонада янги турдаги йўлак плитчалари,

ХАБАРИГИЗ БОРМИ?

Ишлар қизғин паллада

Пойтахтимиз бозорлари кундан-кунга ўзгача чирой очмоқда. Айниқса, бозорлардаги сотувчига ҳам, харидорга ҳам яратилаётган шарт-шароитлар, қулайликлар ҳамшаҳарларимизни мамнун этмоқда.

Шарҳимиз бозорлари ичда ўзига хос ўринга эга бўлган «Фарход» бозори ҳам кейинги йил- ларда ўзгача қиёфага эга бўлмоқда. Бу ердан махсулотларни асосан Чилонзор ва Акмал Ик- ромов туманида яшовчилар харид қилишади. Шуниси қувонарлики, бозордан керакли бар- ча нарсаларни харид қилиш мумкин, дехқон- лар етиштирган ҳамма турдаги мева ва सबза- вот махсулотлари харидорларга тортиқ этил- моқда. Аммо кейинги пайтда бозорда сотувчи- лар сафи кенгайиб, махсулотлар учун расталар етишмай қолди, натижада дехқон ўз махсуло- тини ерга қўйиб сотишга мажбур бўлди. Бу эса ҳам нуқулал, ҳам санитария ҳолатларига зид. Шу сабабдан ҳам бозор маъмурияти уни ке- нгайтириш, янги расталар қуришга қарор қил- ди.

Айни кунларда эса қурувчиларнинг гайрати билан бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кир- ди. Негаки, ёз — пишиқчилик, тўқин-сочинлик фасли. Хадемай, махсулотлар янада кўпаяди. Бозор ёнида шаҳар жойимлиги ва «Тошбозор- тайёрловсавдо» бирлашмаси бюуртамасига кура «159-трест» акциядорлик жамиятининг 21-қури- лиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан қурилиш юмушлари тез ва соз олиб борилмақ- да. Хозирда қазил ишлари ниҳоясига етказил- ди, расталари тиклаш бошлаб юборилди. Шунингдек, бу ерда автомашиналарни сақлаш жойи ҳамда махсулотларни қўйиш хонаси ҳам бунёд этилиши кўзда тутилган. 1 миллиард сўмдан ортмиқ маблағ сарфланганда ушбу қури- лиш ниҳоясига етган, албатта сотувчи ва хари- дор учун яна бир қулайлик яратилди. Хозирги пайтда эса қурувчиларнинг гайрат-шижоати уни сифатли ва ўз вақтида қуриб битказишга қаратил- ган.

Дилноза **ФИЁСОВА**
СУРАТДА: геодезистлар Элёр Йўлдошев ва Носир Бозоров иш устида.

Тоҳир **НИГАМАТУЛЛИ** олган сурат.



Суратда: геодезистлар Элёр Йўлдошев ва Носир Бозоров иш устида.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Ақшорлик

Дўстлик ришталари мустақкамланмоқда

Собир Раҳимов туманидаги Лаъл Ба- хадир Шастри номли 24-ўрта мактабда Хиндистон Республикасининг Ўзбеки- стондаги элчихонаси вакилларининг мак- табга ўз тўхфасини топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу маросимда Хиндистон Республика- сининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Хинди- стон Республикаси Миллий маданият мар- кази вакиллари, мактабнинг собиқ ўқувчи- лари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчи ёшлар иш- тирок эдилар.

Тадбирни мактаб директори Д. Мираҳме- дова очиб, мактабда кўп йиллар меҳнат қил- ган кекса устозлар, собиқ ўқувчилар, икки давлат ҳамкорлиги ва дўстлик ришталарининг янада мустақкамланишига ўзларининг нуно- сиб хиссаларини қўшаётган ёшлар ҳамда хинд халқининг буюк аждодлари, санъат, маданият арбоблари, сиёсатчилари ҳақида тўқинлашиб сўзлади. Бу йил элчихона кўма- гинда мактабнинг 3 нафар ўқитувчиси ҳамда

ийғирма нафар ўқувчи Хиндистон дидрига са- фар қилди. Албатта, бундай дўстлик алоқала- ри иккала халқни бир-бирига янада яқинлаш- tiraётганлигини фахр ва қувонч билан таъ- қидлади.

Хиндистон элчихонаси томонидан мактаб- га 3 та замонавий компьютер тўплами танта- нали равишда топширилди. Икки халқ дўстлик алоқаларига бағишланган маросимда, шунингдек, пойттахдаги Хиндистон Респу- бликаси Миллий маданият маркази директо- ри, унинг вакиллари ва бошқалар ўзбек ва хинд халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкор- лик, ўзаро маданий алоқаларни янада ривож- лантириш хусусида сўзладилар.

Ўқувчи қизларнинг ўзбек миллий рақ- слари, юртимиздаги Хиндистон Республика- си Миллий маданият маркази қошидаги Ану Рахда бошчилигидаги рақс мактаби рақоса қизларининг хиндча гўзал рақслари тадбирга ўзгача файз ва шукўҳ бағишлади.

(Ўз муҳбиримиз).

МАДАНИЙ

Режалар белгиланди

Илғари хабар бергани- миздек, шу йилнинг май ойида шаҳримиздаги Те- мурийлар тарихи Давлат Музейида республика «Ўзбекмузеи» жағфармаси ҳамкорлигида «XXI асрда Ўзбекистон музейлари» мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтганди.

Ушбу анжуман иши асоси- да бир қанча қарорлар қабул қилинди. Унинг бир бандида Республика Маънавият ва маъри- фат Кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, ЮНЕС- КОнинг Ўзбекистондаги Мил- лий комиссияси, Ўзгелеради- окомпания ҳамкорлигида Рес- публика «Ўзбекмузеи» жағ- фармаси фаолияти заминида республика музейлари иши- ни такомиллаштириш мақса- дида вилоятлардаги музей- ларга сафарлар ташкил этиш режалаштирилган, ҳар бир вилоят музейида илмий-амалий семинар ўтказиш мўлжал- ланганди. Семинарларни жойларда ҳар ўн беш кунда ўтказиш асносида республикадаги ҳар бир музейнинг тарихини ўрганиб, улар олиб бораётган илмий-амалий фа- олияти, уларни янги экскпан- тар билан жиҳозлаш, қўрғаз- малар ташкил этиш тадбирла- ри билан таништирилиши режа асосида амалга ошири- лади.

Жумладан, Интернет сайт- лари орқали хорижий дав- латлардаги музейларга ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликда музейлар тарихини ёритиб берувчи чет эллик сайёҳлар учун дискетлар, слайдлар, фотонусқалар тайёрлаш ре- жалаштирилган.

Шунингдек, «Чет элдаги бойликларимиз» рубри- стида хорижда сақланаётган қадимий-тарихий бойликларимиз ҳақида (кино, фото ва архив маълумотлари ёрдами- да) тарғибот ишларини олиб бориш, мустақиллик байра- ми арафасида жойларда му-зейлар ва музейшунослар фа- олиятини яхшилаш мақсади- да ташкил этилган бир гуруҳ мутахассис олимлар иштиро- кини «Намунали музей», «Энг яхши музейшунос» кўрик-тан- ловларини босқичма-босқич амалга ошириш, яқинловчи босқичда голиблар аниқла- ниб, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, рес- публика «Ўзбекмузеи» жағ- фармаси томонидан муносиб тақдирланганини таъминлаш ишлари ҳам режага киритил- ган.

Хуллас, «Ўзбекмузеи» жағ- фармаси ташкилий қўмитаси- нинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган иш режаси белгиланб олинди.

Муқаддас РАЙБЕКОВА.

Доимий эътиборда

Ёшларнинг бир мақсад афроғида бирлаштириши «Бунёдкор Ўшлар» телеклубининг ташкил топганига мана бугун 100 кун бўлди. Аммо шу оз мuddат мобайнида телеклуб ҳамфйр ва ҳамкор аъзоларининг саяё-ҳаракатлари ҳамда интилий- лари самараси уларок ўз олдинга қўйган вазифаларини яло даража- да бажараяпти десак муболага бўлмайди.

Айни пайтда мазкур телеклубда фаолият кўришаётган «Иқтисодиёт» ва «Еш олимлар» жамоларининг яқин- да ўтказилган 1-илмий амалий кон- ференцияси «Бугунги даврнинг иж- тимоий иқтисодий муаммолари ва уларни бартаараф этиш йўллари» деб номланди.

Конференция икки бўлимдан иборат бўлиб, энг яхши деб топил- ган, кун тартибидagi давлат маъру- зулар Тошкентдаги Давлат иқтисодий университети талабалари, «Иқтисоди- гуруҳи» аъзолари Дилноза Набиева, Сайфиқидин Хасанов ҳамда Жаҳон иқтисодий ва Дипломатия уни- верситети талабалари Шохиста Ҳайда- рова, Жихат Аҳмедовлар томо- нида ўқилиб, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда «Халқаро Сайёс» ташкилоти тақдиримой ўтка- зилиб, маърузачиларга фахрий ёр- лиқлар топширилди.

Ўзгелеради- окомпания

Темурийлар тарихи Давлат Музейининг кон- ференция залида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари Университети англиз филологияси факультетининг III-босқич талабаларидан Биз- нес гуруҳини 2001-2002 йилда битирганларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Сертификат топширилди

130 талабанин ичидан танланган энг билимга чанқок 28 талабанин иборат ушбу гуруҳга америкалик ўқитувчилар доктор Д. Байерс «Бизнес алоқалари» ва «Халқаро муносабат- лар» курсидан, доктор Э. Шенкл «Менежмент» курсидан, доктор Д. Стивенс «Бизнес этикаси» курсидан бир йил давоми- да маърузалар ўқишган эди. Сертификатни талабаларга Ўзбеки- стон Давлат жаҳон тиллари университетининг ректори Г. Шоумаров тантанали вазиятда топширди.

— Биз доктор Байерс, доктор Шенкл, Жанубий Африка- нинг Ўзбекистондаги консули М. Тимке билан 1995 йилдан бери ҳамкорлик қилмоқдамиз, — деди университет прорек- тори Г. Боқиева. — Мана 4 йилдан буюн курсларимиз самар- али фаолият кўрсатапти. Талабалар ушбу курсларини бити- риб, бизнес бўйича ҳақиқий билимга эга бўлишапти. Сента- брь ойида халқаро иқтисод факультетини олиш ниятида- миз. Ана шунда бу курсларимизда барча талабаларнинг ўқиши мумкин бўлади.

Университетнинг халқаро журналистика факультетида ҳам доктор Э. Фридман, Ж. О'Фарелл каби ўқитувчилар дарс беришади. Тез орада ўзбекистонлик 7 талаба Бостон шаҳри (Массачусетт штати)га ўқишга юборилади. Шулардан 2 таси халқаро журналистика факультетидан танлаб олинади.

Тадбир сўнгида курсларни энг яхши ўзлаштирган, ўқиш давомида энг юқори балларни тўплаган талабалар Б. Мирж- ўраев, Н. Хамроқулов, А. Ганиев, Л. Алларбердина ва Ю. Ва- сильевларга ноёб китоблар совға қилинди.

Азиза ИЛХОМОВА.



ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



«ПАХТАКОР»: КЕЧА ВА БУГУН

(Давами.Боши ўтган сонда)

«Пахтакор» ўз тарихидаги айтиш мумкин, энг яхши мавсум бўлиши 1962 йилги чемпионатни жуда яхши ўтказди. Таркибида М. Хурчилава, З.Калоев, Ш. Яманидзе, И. Датуншвили каби жуда кучли ўйинчилар бўлган «Динамо» (Тбилиси), «Зенит», «Шахтёр», «МАСК», «Динамо» (Киев) жамоалари ўстидан чиройли галабаларга эришди. Ўйинчиларнинг ярмиси терма жамоага жалб этилган Москванинг «Динамо» командаси билан Тошкентда ўтказилган ўйин ҳам жуда кескин ва мурасасиз кечди. 0:2 ҳисобида ютказиб турган тошкентлик футболчилар галабага бўлган кучли интилиш хисларини намойиш этган ҳолда беллашувни дураник натижа билан якунлашга муваффақ бўлдилар. Жаҳон миқёсида XX асрнинг энг кучли дарвозабони деб топилган буюк Лев Яшин кўриқлаётган дарвозага иккинчи тўпни Биродар Абдураимов киритди. Шу тариқа «Пахтакор» «Торпедо» (Москва), «Шахтёр», «Зенит» каби кучли жамоалардан ўзб кетган ҳолда чемпионат якунларига кўра олтинчи ўринни эгаллади...

тининг ёмонлиги сабабли тошкентликлар «МАСК», «Шахтёр» ва Ростов армиячиларини ўзларидан олдинга ўтказиб юбордилар ва олий лигани тарк этишга мажбур бўлдилар. 1972 йилги мавсуми «Пахтакор» илк бор биринчи лигада бошлади. «Пахтакор» раҳбариятининг таркиби ҳам бутунлай янгиланди: жамоа бошлиғи — Добин Шчегай, бош мураббий — Вячеслав Соловьёв, мураббий — Ҳамид Раҳматуллоев бўлди. Ўзбекистон футболнинг 60 йиллиги нишонланадиган ўшбу йилни ҳам «Пахтакор» муносиб тарзда ўтказди. Кейинчалик футбол осмонда ёрқин чакнаган «юлдузлар» — Михаил Ан, Владимир Фёдоров ва Лакис Хадзипанагис ўшбу мавсумда ўзларини нишонладилар. Мураббий Вячеслав Соловьёвда ёш иқтидорларга алоҳида сезгирлик хислари мавжуд эди ва у шундай деганди: «Биз ўзини кўрсатиш иштиёқи билан ёнаётган ёшларга таянишга қарор қилдик. Бу ишга «Пахтакор»нинг келажигини ўйлаган ҳолда қўл урдик. Мен шунга аминманки, бир-икки йиллардан сўнг Михаил Ан, Владимир Фёдоровлар катта футболнинг зийнати бўла оладилар».

Жамоа ижодий ўйини — фаол ҳужум, комбинацияга асосланган услуб, мустақкам ҳимоя ва ўз спорт маҳоратини оширишга интилишни намойиш этган ҳолда тўп сура бошлади. 33 та ўйинда 34 та тўп киритишга муваффақ бўлган ҳолда лиганинг энг сермақсул тўпурарлигига эришган Биродар Абдураимов зўр спорт формасида эди. 1972 йилги чемпионатда куйидаги ўйинчилар «Пахтакор» таркибида майдонга тушди: В. Варюхин — 36 (8), Б. Абдураимов — 33 (34), В. Кузьмин — 31 (6), Ю. Басов — 31, В. Фёдоров — 30 (7), В. Штерн — 30, Ю. Иванов — 29 (2), А. Лисаковский — 26 (8), Б. Ищенко — 22, В. Хадзипанагис — 19 (4), В. Солохо — 19 (1), Б. Иброҳимов — 19, А. Говоров — 17, Р. Тургунов — 16 (1), Л. Морозов — 16, Р. Мўминов — 12, В. Купченко — 9, Т. Исоқов — 7 (1), Н. Болтов — 4, А. Иноятов — 4, В. Филатов — 4, О. Аширов — 3, Р. Мирсоидиков — 3, К. Баканов — 2, В. Василев — 2, О. Еремеев — 1, Г. Имомов — 1, П. Колесник — 1, Н. Нортажоев — 1, К. Тўлаев — 1. Битта тўпни ўз дарвозасига В. Зайцев («Металлург») киритди.

24 та галабага эришган, 7 ўйини дураник билан якунлаган ва шунча ўйинда мағлубиятга учраган ҳолда «Пахтакор» мавсумни жуда яхши ўтказди. Пахтакорчилар 74 та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 36 та гол ўтказиб юбордилар ва «Шахтёр», «Черноморск», «Крилья Советов» каби таърибли жамоаларнинг ортда қолдириб, биринчи ўринни эгалладилар. Ўйинчилар олтин жетонлар билан тақдирланган ҳолда 1973-йилги мавсумда олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Мураббийлар — Вячеслав Соловьёв ва Ҳамид Раҳматуллоевлар тақдирландилар. Шундай қилиб Ўзбекистон футболга 60 йил бўлган ўша 1972 йилда ҳам республика футболнинг байроқдори учун қувончли бўлди.

ДИЛЛОИ ИСРОИЛОВ,
ВЛАДИМИР САФАРОВ,
(Давами бор).

СУРАТДА: 1971 йилги мавсумда тўп сурган «Пахтакор» жамоаси. Тик турганлар: бош мураббий А. Келлер, дарвозабон А. Шириня, дарвозабон А. Говоров, М. Вартазаров, Ю. Патрикеев, А. Иванков, мураббий Г. Красницкий, мазмур Б. Носиров, ака-ука Валерий ва Владимир Лобода, жамоа бошлиғи М. Барский, А. Астахов; иккинчи қатор: Б. Абдураимов, Б. Петухов, Т. Исоқов, В. Варгохин, В. Штерн, А. Жукос, Н. Маслов, Б. Леонов, М. Ан; олдинги қаторда: В. Солохо ва Р. Турсунов.

1972 йил

1971 йилги мавсуми «Пахтакор» муваффақиятсиз якунлади. Фақат тўплар нисба-

«Пахтакор» таркибида энг кўп майдонга тушган футболчилар

№	Исми-шарифи	Ўзбекистон чемпионати	собиқ иттифок чемпионати			Ҳаммаси бўлиб
			О.Л.	I	II	
1.	Геннадий Денисов	—	177	194	—	371
2.	Биродар Абдураимов	—	302	33	23	358
3.	Сергей Бондаренко	—	111	218	—	329
4.	Геннадий Красницкий	—	246	—	76	322
5.	Александр Яновский	—	159	138	—	297
6.	Марат Кабаев	—	114	161	—	275
7.	Игорь Шквирин	102	70	90	—	262
8.	Тулаган Исоқов	—	190	62	—	252
9.	Виктор Варюхин	—	187	59	—	246
10.	Владимир Штерн	—	201	30	11	242
11.	Азамат Абдураимов	113	—	124	—	237
12.	Михаил Ан	—	138	94	—	232
13.	Мурод Алиев	231	1	—	—	232
14.	Юрий Пшеничников	—	177	21	33	231
15.	Виталий Сунонов	—	211	—	19	230
16.	Владимир Тожиров	—	187	—	38	225
17.	Ислом Аҳмедов	—	53	170	—	223
18.	Идгай Тазетдинов	—	94	—	108	202
19.	Олег Моторин	—	95	—	105	200


БОЛАЛАР АДАБИЁТИ БУРЧАГИ

Умидли — келажакимиз

Севимли «Оқшом» тахририяти нурли ва саҳий қалбини болажонларга очиб, «Болалар адабиёти бурчаги»ни ташкил қилгани менга жуда маъқул ва манзур бўлди. Ҳозирда фарзандларимиз болалар китобларига чанқокдилар. Улуғ одамлар ўзларидаги энг яхши фазилатларни китобдан олганликларини таъкидлашларида олам мазмун бор аслида. Болаларимизнинг «Гулхан», «Гунча», «Тонг юлдузи» каби газета, журналлари, шунингдек радио эшиттиришлари, телевидение

кўрсатувлари озлик қилаётгандай сезилмоқда болажон Ўзбекистонимизга. Болалар ижодкори сифатида истагим шулки, бу саҳифага таниқли болалар ёзувчилари, шоирлари мунтазам қатнашсалар, кези келганда оламдан ўтган болалар ижодкорларининг сара асарларини-да бериб борилса, чиндан ҳам савоб бўларди. Ўзим ҳам бажонидил машқларимдан намуналар ҳавола қилмоқдаман.

Пўлат МҲМИН, Ўзбекистон халқ шоири



СОҒ БЎЛИНГ, ЧОҒ БЎЛИНГ БОЛАЛАР

Соғ бўлинг болалар, Чоғ бўлинг болалар.

Соғломлар кўримли, Ишлари унумли. Соғ одам рангидан Дил яйраб янгидан. Бузамайди қоида, Хар иши жойида. Машқ қилар хар тонгда Турлича охангда, Гоҳида югурган, Маррага улгурар, Хеч кимса ранжимас, Лапашан — ланж эмас. Соғломлар албатта Эл учун хизматда. Кўнгли чоп учраса Кўрган чўп мазза. Очилиб таъингиз Яйрайд бағрингиз, Ўргулиб жонидан Кетмайсиз ёнидан. Бўлмоқлик хушчакчак Мисоли нур — чакмоқ. Уларга ҳаммаёқ Очадир кенг кучоқ. Чоғ одам кулганда Гул яшнар гулшанда. Чоғ бола соғ бўлса, Соғ бола чоғ бўлса.

ШАРШАРА ҚЎШИҒИ

Бетиним шовуллар Шаршара, Сувлари мусаффо, Энг сара. Томчилар тепадан Сақрашар,

Ўйлақай куйлашар, Сайрашар. Шаршара дарёнинг Кулгуси, Калбидан сочилган Туйғуси.

Бағрида ўйнайди Нур-шуъла. Тинглайман ёқимли Ашула.

Теграда яшнаган Кенг дара. Завқимга завқ сочар Шаршара, шаршара...

ДАЛАЛАРИМ

Эй, ўзининг Далаларим, Беповънсиз, Чаманларга Кенг маконсиз Туташгансиз Тогларга ҳам Богларга ҳам. Ям-яшилсиз, Эҳ, яхшисиз, Энг асилсиз, Серхосилсиз. Калбингизнинг Кон томири Жилғаларми? Кўш сизга Шуъларлар-ла Жилмаярми? Кун қизиган, Нур изидан Сизга боқиб Тўймайман, Дил-дилимдан Куйлагайман, Эй, ўзининг Далаларим,

Водийларим Далаларим, Ризқ-рўзимга Ошиёнсиз, Сиз онажон Ўзбекистонсиз.

ГУНЧАЖОН, БЎЛ, БЎЛ!

Гунчажон, бўл, бўл, Очақол, гул, гул.

Сен ўхшаб бизларга Чиройга тўл, тўл.

Гулдаста тузайин У бўлар кўл, кўл.

Дилларда завқимиз Бўладир мўл, мўл.

Гунчажон, гунчажон, Ўзинг ҳам кул, кул. Атрофга қарагил, Чаманзор ўй-сўл.

Гунчажон бўл, бўл, Очақол гул, гул.

ФУТБОЛЧИЛАР

Футболчилар «Бўл-бўл»чилар. Ё голқоқлар, Ё «гол»чилар.

Куч тўплашиб Оёқларга, Чопадилар Хар ёшларга. Файратлари Ўшар кўлга, Ташлавишар Битта тўпга

Бир —бирларин Шоширишар, Пайти келса Оширишар.

Кимдир тўпга Қилар қалла, Йиқилгани Бўлар алла.

Кулоқ солмай Қий-чувларга, Беришарлар «Кув-кув»ларга.

Ё дарахтда, Ё том оша Кўришади Ҷўри тошоша.

Катталару Болачалар — Тарафдорлар Чапақ чалар.

Эпчиллари Топадир йўл, Дарвозага Урвишар гол.

Ҳаммалари Ботар терга, Ўтказгани Карар ерга... Футболчилар, «Бўл — бўл»чилар.

СИЗЛАР ҚИЛМАНГИЗ ХАТО
Тез-тез бетоб

бўлар эдим

Болаликда, Соғлиқ қадарин билмасдим ҳеч,

Болалик-да, Тушундим мен кейинчалик

Ўз хатоим, Соғлиқ, шодлик тиламайман

Сизга доим. Айтсам бўлмас ўзим чеккан

Дардларимни, Энг яхшиси айтақолай Шартларимни: Вақт кетмасин, хозирданоқ

Чиникинлар, Ўйнанг, ишланг, яхши ухланг,

Тиникинлар, Истагим шул, менингдайин

Қилмангиз, Бирортангиз «вой-вой, жоним»

Деманг хатто. Сизлар менинг илҳом берар Булоғимсиз, Юрагимни ёритгувчи Чирогимсиз. Сизни доим чоғ кўрайин, Сизни доим соғ кўрайин Хар қаерда, хар доимо, Менингдайин қилманг хато!

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

«Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг якунига бағишланган спорт байрами Акмал Икромов тумани Қурилиш ва коммунал касб хунар коллежида «Қамолот» ёшлар ижтмоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида тантанали тарзда ўтказилди.

Спорт байрами кўнгилли ўтди

Дастлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Мираббос Азимов «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иштирок этган 114 та ўқув мусасасаси жамоалари ва 50000 дан ортиқ қатнашчиларни қўлаб, шаҳар босқичида голиб деб топилган иштирокчиларга келгуси ўқув йилида Андижонда

ўтказилажак ўйинларда омадлар тилади. Шунингдек, ўшбу мусобақанинг шаҳар босқичида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритган Банк коллежи, 2-ўринни эгаллаган Сирожидинов номи академик лицей ҳамда 3-4-ўринни қўлга киритган Электр тиббиёт техникуми ва Миробод тумани санаят касб-хунар коллежари му-

носиб тақдирланди. — Мусобақаларнинг шаҳар босқичида Шайхонтоҳур тумани ўқув муассасалари 5 та, Чилонзор тумани ўқув муассасалари 5 та, Собир Раҳимов ва Миробод тумани ўқув муассасалари 2 та спорт турти бўйича голибликни қўлга киритишди. Улар эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Бундан кей-

инги спорт мусобақаларида шахримизнинг ҳар бир тумани ўқув муассасалари фаол қатнашади деган умиддамиз, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бўлими бошлиғи Сафарбой Бобожонов. Ушбу байрам тадбирида «Турон» спорт тўғраги қатнашчиларининг кўрғазмали чиқишлари ҳамда Тошкент шаҳар маданият уйлари ҳамда Юнус Ражабли номидаги мусиқа билим юрти ўқувчи қизлари ижросидаги қўшиқ ва рақслар байрам кўрғига янада кўрк қўшди. (Ўз муҳбиримиз).

Ғолиблар аниқланди

Миробод туманидаги 110-ўрта мактаб спорт залида бадминтон бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Миробод, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари иштирок этди. Ғолиблар учун давом этган қизғин беллашувдан сўнг аниқланди.

Йигитлар ўртасида совринли ўринларни Улугбек Шукров, Данил Халунский, Улугбек Хаджалиев, қизлар ўртасида эса 1, 2 ва 3-ўринларни Евгения Новикова, Нигора Олимжонова, Наргиза Ўриновалар эгаллашди.

Жамоалар ўртасида фахрий 1-ўрин Миробод тумани, 2-ўрин Шайхонтоҳур, 3-ўрин эса Юнусобод тумани бадминтончиларига насиб этди. Мазкур мусобақанинг ўтказилишига бадминтон

бўйича шаҳар федерацияси раисининг ёрдамчиси тадбиркор Миржалол Мирхамидов ҳомийлик қилди. Мусобақа якунида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. (Ўз муҳбиримиз)

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари ДИҚҚАТИГА!

«Тошсисқуввати» ИЧБ шуни маълум қиладики, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Молия бош бошқармасининг 2002 йил 14 июндаги 87-А/Қ рақамли буйруғига биноан, 2002 йил 1 июлдан корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясига тариф ҚҚСсиз 4474 сўм/Гкал миқдорда белгиланган, ҚҚС билан эса 5368,8 сўм/Гкал. «Тошсисқуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни етказдики, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Молия бош бошқармасининг 2002 йил 14 июндаги 87-А/Қ рақамли буйруғига мувофиқ 2002 йил 1 июлдан иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади: **марказий иситиш — 1 квадрат метр яшаш майдони учун — 29 сўм; иссиқ сув таъминоти: — ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 1 одамга 564 сўм; — ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 1 куб метр учун 139,78 сўм; — меъёр чегарасида, меъёрдан ортиқча истеъмол қилинганда 1 куб метр учун 258,86 сўм.**

Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи санаят ва маиший корхоналар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 31 майда тасдиқланган нархларни қайд қилишнинг 19-03-37 рақамли рўйхатига асосан санаят ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига 2002 йил 1 июндан табиий газ учун янги тариф жорий қилинди. 2002 йил 1 июндан киритилади.

Улчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда (НДС)
«Ўзтрансгаз» АКси магистрал газ қувурлари билан бевосита шартнома тузиш имкониятига эга бўлмаган улгуржи истеъмолчиларига 1000 куб метр учун	11100 сўм
«Башқоммунгаз» корхонасининг газ сотувчи ташкилотлари томонидан берилмайдиган табиий газ учун	
Эслатма: табиий газ бериш калория учун қайта ҳисоб-китобсиз амалга оширилади.	
«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси	

«01»

Тилсиз ёвдан сақланинг!

Ёнғинлар халқ ҳўжалигига катта моддий зиён етказибгина қолмай, балки турар жой ва хусусий мулкларини ҳам кул қилади, баъзан кишиларнинг оғир жароҳат олиши, айрим ҳолларда эса ҳалок бўлишига олиб келади. Ёнғинга қарши курашни янада кучайтириш хар биримизнинг бурчимиздир, яъни ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент шаҳар Ёнғин ҳафсизлиги бошқармаси маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, пойтахт бўйича шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 469 та ёнғин содир бўлиб, уларнинг оқибатида давлат ва фуқароларга 3831802 сўмлик моддий зарар етди. Ушбу ёнғинлар оқибатида ҳалок бўлган кишилар сони 10 кишидан иборат бўлиб, 14 киши тан жароҳати олган.

Шу жумладан, Чилонзор тумани бўйича ёнғинлар сони 37 тани ташкил қилиб, улардан келган зарар 75620 сўмини ташкил этади. Ёнғинларда 1 та одам ҳалок бўлиб тан жароҳати олганлар йўқ. Жумладан, шу йил 2 май куни Чилонзор тумани 7-мавзе, 42-уй, 41-хонадонда яшовчи фуқаро К. В. Пақ ўз хонадонда сигарет чекиб ухлаб қолиши туфайли ёнғин содир бўлган ва унинг оқибатида хонадон соҳиби ҳалок бўлди.

Яна қўпчица ёнғинлар қуруқ шох-шаббаларни ёқиб кетиш натижасида ҳам содир бўлмоқда. Бу йил ёнғингарчилик кўп бўлиб, унинг натижасида ўл-ўланлар буй чўзди. Ёзнинг жазирама кунларида улар қуриб-қовжайди ва ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун бизлар ўтларни ўриб туришимиз, йиғили қолган ахлатларни вақтида олиб чиқиб кетишимиз керак.

Хурматли ҳамшаҳарлар, мабодо ёнғин аломатларини сезсангиз дарҳол телефон орқали «01-га» хабар бериш, ёш болаларни, кексаларни очик жойларга олиб чиқишга ёрдам бериш. Мавжуд бўлган ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни бартараф этишга киришинг. Ёнғин ҳавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш билан бирга бизлар ўз уйимизни, мол-мулкимизни, яқинларимизни оловдек офатдан сақлаб қолган бўламиз.

З. ИСРОИЛОВА,
Чилонзор тумани ИИБ ёнғин ҳавфсизлиги бўлимининг кичик инспектори.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишимиз мумкин.
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер маркази тарихи ва саҳифалари.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.